САВОЛЛАРИНГИЗГА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ЖАВОБ БЕРАДИ 2-бет

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ 3-4-5-бетлар

ЮЛДУЗЛАР «ТИЛГА КИРГАНДА» 6-бет

МОЛИЯВИЙ ҲАМКОРЛИК БИТИМИ ИМЗОЛАНДИ 7-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 140 (9.943) / 2003 ЙИЛ 18 ИЮЛЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

❒ **КЕЧА** Тошкент шаҳар ҳокимлигида Жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар масалалари мажмуасининг 2003 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

❒ **«ЭКОСАН»** халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими, «Тошкент» телеканали, «Сувсоз» Давлат унитар корхонаси ходимлари биргаликда «Халқаро чучук сув йили»га бағишланган рейд ўтказишди. Ушбу рейд суб муаммоларига бағишланди.

❒ **МАМЛАКАТИМИЗ** фуқароларига халқаро телефон алоқасига чиқишда қулайлик туғдириш мақсадида «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиали янги халқаро телефон картинасини аҳоли учун жорий қилди.

❒ **БУГУН** Бектемир туманидаги маҳаллаларда маҳалла фаоллари, туман ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда туман ҳокимлиги вакиллари иштирокида «Огоҳлик — масъулиятдир» мавзуидаги ўтказилаётган тадбирлар ниҳоясига етади.

❒ **АКМАЛ** Икромов туманидаги «Ватан» маҳалласида уюштирилган тадбир «Қудратимиз дўстликда» деб номланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

***Айни кунларда шаҳримиздаги барча олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг қабул комиссияларида ҳужжатлар қабул қилиш қизғин давом этмоқда. Келгусида билим чўққиларини эгаллашга интилиб талаба бўлиш иштиёқида юрган абитуриентларнинг қалблари ҳозир ҳис-ҳаяжонга тўла. Уларнинг орзу-мақсадлари кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб талаба бўлишдир.***

***СУРАТДА: Тошкент политехника касб-ҳунар коллежида абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилинмоқда.***




Владимир Гранкин олган сурат.

# Давр ва ахборотлаштириш технологиялари

**Ахборот-коммуникация технологияларига асосланган хизматларнинг янги турларини ривожлантириш муаммоларига бағишланган республика илмий-техник семинари бошланди. Уни Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти ҳамда Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ҳамкорликда ташкил этди.**

Семинарда таъкидланганидек, мамлакатимизда ахборотлаштириш соҳасида тубдан ўзгаришлар амалга оширилаётир. Зеро, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш бугунги кунда давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Соҳанинг миллий тараққиётимиздаги ана шу аҳамиятини эътиборга олиб, жаҳон ахборот ҳамжамиятига интеграциялашиш ва унинг ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтириш учун қулай имкониятлар яратиш бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилингани алоҳида эътиборга молик.

Бу ҳужжатлар, ўз навбатида, ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий жорий этиш ҳамда улардан фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади.

Семинарнинг биринчи куни Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари ривожининг асосий йўналишлари, электрон рақамли имзони жорий этиш истиқболлари, Интернет ва электрон тижорат — рақобат муҳитини шакллантиришнинг янги омили, давлат бошқарувида электрон технологияларни жорий этиш ва хорижий давлатлар тажрибаси, ахборот хавфсизлигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, миллий ахборот ресурсларини ривожлантириш ҳамда уларни ҳимоя қилиш ва хавфсизлигига оид мавзуларда маърузалар тингланди.

Семинар иштирокчилари икки кун давомида ахборотлаштириш соҳасини такомиллаштириш ва илмий-техника тараққиётини ривожлантиришга йўналтирилган изланишлар, амалий тажрибалар натижалари ҳамда янги хизмат турларини ривожлантириш муаммолари, Интернет ва маълумот узатиш тармоғи ривожи, малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ масалаларда фикр алмашади.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Тўхтапўлат Турсунович Рисқиев Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландиянинг Бирлашган Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинланди.**

**● Эртага мамлакатимиз автомобиль саноатига асос солган «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон- Жанубий Корея қўшма корхонаси ташкил этилганига етти йил тўлади. Ҳозирда корхонада яна бир янги модель — «Ласетти» русумли автомобилни ишлаб чиқариш режаланмоқда.**

**● Самарқанд шаҳрида шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази иш бошлади. Ушбу марказ Америка ва Европа мамлакатларидан келтирилган энг сўнгги русумдаги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.**

**● БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва БМТнинг ОИТС профилактикаси бўйича тематик гуруҳ ўртасида лойиҳа имзоланди.**

**● Жиззах вилоятининг Бахмал туманида 350 ўқувчига мўлжалланган маиший хизмат коллежи қуриб фойдаланишга топширилди. Янги билим даргоҳида тикувчилик, газ, электр асбобларини таъмирлаш, молия, бухгалтерия ҳисоби, автомобиль назорати йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади.**

**● Обод маҳалла йилида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг Тошкент вилоят бўлими хайрли ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Чирчиқ шаҳрида тиббий ижтимоий реабилитация маркази биноси тўлиқ таъмирдан чиқариб бўлинди.**

### Жаҳонда

**● Фаластин Бош вазири Маҳмуд Аббос 25 июль куни АҚШ Президенти Жорж Буш билан учрашади. Учрашув давомида томонлар асосий эътиборни Яқин Шарқ можароларига қаратадилар.**

**● Шимолий Кореянинг ядровий дастури юзасидан музокаралар давом этмоқда. Куни кеча АҚШ давлат котиби Колин Пауэл телефон орқали Хитой ташқи ишлар вазири Ли Чжаосин билан шу масалада суҳбатлашди.**

**● АҚШнинг «Боинг» авиакосмик корпорацияси тижорат мақсадидаги фазовий парвозларни беш йил муддатгача тўхтатиб туришини билдирди.**

**● Афғонистон раҳбари Ҳамид Карзай жорий йилда мамлакатнинг янги конституциясини маъқуллаши лозим бўлган Кенгаш ташкил этилиши тўғрисида эълон қилди. Кенгаш ёки Лойя Жирға 500 аъзодан иборат бўлади.**

**● Доғистон ИИВ хабарига кўра Хасавюрт шаҳрида кучли портлаш рўй берди. Шаҳар ички ишлар бўлими биноси атрофида турган автомашинанинг портлаши натижасида икки киши ҳалок бўлган, 10 га яқин кишилар жароҳатланган.**

# Аскарлар ҳузурида

**Республика Ички ишлар вазирлигининг Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисмга қорақалпоғистонлик ота-оналар, Нукус шаҳар ҳокимлиги вакиллари ҳамда мудофаа ишлари бўлимларидан меҳмон келди.**

— Мақсадимиз аскарларимизга яратиб берилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишишдан иборат эди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳуқуқий масалалар, сафарбарлик ишлари ва фавқулодда вазиятлар бўйича бош мутахассиси Б.Бердишев. — Ётоқхоналар, ошхона, спорт майдонлари, дам олиш хоналари билан танишиб, очиғини айтиш керак, ота-оналар хурсанд бўлди. Чунки ўз фарзандининг қандай қисмда, қай шароитда хизмат қилаётганини, яшаётганини кўриш улар учун жуда муҳим.

Қорақалпоғистондан келган «Аму тўлқини» фольклор этнографик дастасининг чиқишлари аскарларга манзур бўлди. **(ЎзА)**

# Семинар бўлиб ўтди

Тошкентда Инвестиция институтлари миллий уюшмаси томонидан «Халқаро ва миллий қимматли қоғозлар бозорлари» мавзуига бағишланган семинар ўтказилмоқда. Унда юртимизда фаолият кўрсатаётган барча банкларнинг вакиллари иштирок этишяпти. Дунёга машҳур йирик компаниялар мисолида халқаро инвестиция институтларининг ривожланиши атрофлича таҳлил этилди. Шунингдек, тадбирда акциялар ва облигациялар бўйича халқаро бозорлари, хусусан, Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон фонд бозорларидаги бугунги аҳвол ҳақида мулоҳазалар ўртоқлашилмоқда.

**«Туркистон-пресс»**

Статистик ва минтақалараро ... институти

## Сўранг, жавоб берамиз

**Эр (хотин)нинг алимент олиш ҳуқуқининг тугаши ҳақида маълумот берсангиз.**

**М. Субҳонова, уй бекаси.**

Эр-хотиннинг бир-биридан таъминот олиш ҳуқуқи Оила кодексининг 117 ва 118-моддаларига мувофиқ таъминот олиш учун асос бўлган шартлар тугаган тақдирда, шунингдек никоҳдан ажралган ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотин янги никоҳга кирганда тугайди. Бундай ҳолларда, агар таъминот учун маблағ суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилган бўлса, уни тўлаши шарт бўлган эр (хотин) бундан буён алимент тўлашдан озод этиш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

* * *

**Ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида билмоқчи эдим.**

**М. Турсунов**

Оила кодексининг 61- ва 62-моддаларида назарда тутилган тартибда оталик белгиланганда болалар ота-онаси ва уларнинг қариндошларига нисбатан ўзаро никоҳда бўлган шахслардан туғилган болалар билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.

* * *

**Иш берувчининг (ташкилот маъмуриятининг) алимент ушлаб қолиш мажбурияти қандай бўлади?**

**Ф. Ҳидоятова**

Алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш жойидаги иш берувчи ёки пенсия, нафақа, стипендия олаётган жойидаги ташкилот маъмурияти алимент тўлаш тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган келишувга ёки ижро варақасига асосан алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг иш ҳақидан ва (ёки) бошқа даромадидан ҳар ойда алимент ушлаб қолиб, алимент тўлаши шарт бўлган шахсга иш ҳақи тўланган ва (ёки) бошқа даромадлар олинган кундан бошлаб, уч кундан кечиктирмай алимент олувчи шахсга алимент тўлаши ёки алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг ҳисобидан унга ўтказилиши шарт.

* * *

**Тоғрайҳоннинг жуда кўп дардга даво экани ҳақида тез-тез эшитиб қоламиз. Шу тўғрида тўлароқ маълумот берсангиз.**

**Р. Холиқова, тижоратчи.**

Тоғрайҳон бод, фалаж, қуёнчиқ, ичак оғриқларида қўлланилади. Шунингдек, ундан терлатувчи восита сифатида фойдаланилади. Тоғрайҳон ўтидан тайёрланган дамлама терлатувчи омил сифатида шамоллаш билан боғлиқ бўлган касалликларда ҳамда меъда-ичак фаолиятининг сустлигида, умумий дармонсизликда тавсия этилади. Ўсимлик дамламаси йўтал, нафас қисиш, ўпка касаллигида истеъмол этилса, ижобий таъсир кўрсатади.

**Хурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

# Салоҳият юксалмоқда

«Ўзбектуризм» миллий компанияси ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон меҳмонхоналар уюшмаси ўзининг дастлабки мажлисини ўтказди. Мазкур уюшмага саёҳат иштиёқмандларини жалб этишда бугунги кунда мураккабликларни бошдан кечираётган меҳмонхона ва сайёҳлик тармоғи корхоналари кирди. Уюшма ушбу масалаларни тадқиқ этиш, пировард оқибатда Ўзбекистоннинг анъанавий сайёҳлик рейтингини кўтаришга хизмат қилади.

— Бизлар республикада сайёҳлик тижоратини ривожлантириш юзасидан аниқ таклифларни ишлаб, ушбу таклифлар билан ҳукумат идораларига чиқишимиз керак, — деди мажлис очилишида сўзга чиққан «Ўзбектуризм» миллий компанияси раҳбари Бахтиёр Ҳусанбоев.

— Меҳмонхоналар бош менежерлари ва тижорат директорлари учрашувида меҳмонхона ва сайёҳлик тармоғи билан бирга ҳукумат ташкилотлари билан маслаҳатлашувларни бошлашга қарор қилинди, — деди уюшма раиси, «Le Meridian» меҳмонхонаси бош менежери ва ушбу меҳмонхоналарнинг МДҲ мамлакатлари тармоғининг минтақавий менежери Реда Дарвеш. — Ўзбекистонда сиёсий вазият барқарор, у қулай жуғрофий ўринни эгаллайди. Бу ердаги об-ҳаво ажойиб, қадимий ёдгорликлар кўп, қолаверса замонавий маданият ривожланган. Буларнинг барчаси туризмни ривожлантиришда қўл келади. Шу йилнинг май ойида Тошкентда ўтказилган ЕТТБ анжумани ўзбекистонликларнинг меҳмондўстлигини яна бир бор дунёга кўрсатди. Барча сервис хизматлари бир маромда ишлади. Шундай ёндошув туризмни ташкил этишда ҳам зарур.

Р. Дарвешнинг сўзига кўра, турли масалаларни ҳал этиш учун бундай мажлисларга Ташқи ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари вакилларини таклиф этиш режалаштирилди. «Ўзбектуризм» миллий компанияси таклифига кўра, уюшма аъзоларига Тошкентга кўплаб сайёҳларни жалб этиш учун меҳмонхона хизматларига арзон нархлар жорий этиш масаласи кўриб чиқилади. Божхона қўмитаси, сайёҳлик ва меҳмонхона хўжалиги коллежи, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси билан ҳамкорликда иш олиб борилади.

Дарвоқе, Ўзбекистон аэропортларининг қайта таъмирланиши йўловчиларга хизмат даражасини анча оширди, бу ҳам меҳмонлар оқимини кўпайтиради, деб таъкидлади Р.Дарвеш.

**«Туркистон-пресс»**

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## Увол эмасми?

Маҳаллаларимиз йил сайин обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Уларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўриб кўз қувнайди. Истиқлол шарофати ва жамоатчиликнинг саъй-ҳаракати билан замонавий маҳалла гузарлари, маиший хизмат уйлари, йирик савдо мажмуалари қурилиб ишга туширилмоқда. Айниқса маҳалла кўчаларининг янги қиёфа касб этаётганлиги, йўл чеккаларига ҳар йили кўчат экиш мавсумларида турли-туман ниҳоллар ўтқазилиб, парваришланган бу дарахтлар тез орада бўй чўзиб атрофга соя-салқин ташлаётганлиги кимни ҳам қувонтирмайди дейсиз. Бу неъматлар орасида мевалилари ҳам жуда кўп.

Яқинда шундай обод ва соя-салқин маҳаллалардан бирида бўлдик. Хонадонлар билан гавжум кўчалардан ўтиб борар эканмиз, кўзимиз ғарқ пишиб етилган ўрик, олма, олхўри каби мевали дарахтларга тушди. Уларнинг серҳосил мевалари ер билан битта бўлиб тўкилиб ётибди. Ўтганкетганлар хушлабми ёки уволидан қўрқибми беихтиёр ерга эгилиб, сархил меваларни ҳовучларига тўлдириб теришади-да, уларни чайиб, пуфлаб-суфлаб оғизларига солишади. Баъзи хонадон эгалари эса шундоққина йўловчиларнинг кўз ўнгида бепарволик билан йўлкаларни тозалаш мақсадида ерга тўкилган меваларни ахлатга қўшиб, супуриб-сидириб ташлашяпти. Бекорга увол бўлаётган неъматларни кўриб ахир бу мевалар териб олиниб қуритилса ёки тоза сувга чайилиб улардан турли шарбатлар тайёрланса хонадон эгалари жазирама иссиқда сув ёки чой ўрнига ана шу муздеккина шарбатлардан ичиб чанқоқларини қондирсалар фойдали бўларди-ку деган хаёлга борасан киши. Шу куни маҳалла кўчаларини айлана туриб шундай ноxуш ҳолатларга бир неча бор дуч келдик. Улардан бирини мисол тариқасида келтириб ўтмоқчимиз.

Ўрта ёшлардаги бир аёл кўча эшик томонини орасталарди. У яқинда бўлиб ўтган кучли шамолдан тўкилган сархил меваларни ҳеч иккиланмай ахлатга қўшиб супуриб боряпти. Биз унга: «Синглим, меваларни увол қилмай, териб олсангиз яхши бўларди», деган гапни айтсак, у: «Ҳар соатда таги билан битта бўлиб ётган меваларни териб улгуриб бўлармиди, отахон», деган жавобни берди.

Шу дамда бирдан ёшлик йилларимиз эсимга тушиб кетди. Раҳматли онам билан бўлиб ўтган бир воқеа сира эсимдан чиқмайди. Ўшанда урушнинг оғир йиллари эди. Қорнимиз тўйиб нон емасдик. Лекин мева-чева мўл эди. Табиат нонга зор, муҳтож оилалардан меҳрини дариғ тутмаган эди. Ўрик, ёнғоқ, жийда, олма, қўйингчи, барча мевалар кутилганидан зиёда ҳосил берганди.

Кечки овқатимиз кўпинча мева-чевалардан иборат эди. Онажонимиз ҳовлимиздаги уч туп ўрик шохини авайлаб силкитиб ерга тўкилган меваларни эринмай бирма-бир териб олардилар-да, уларни ювиб, тозалаб, дастурхонга тўкардилар.

— Ўрик шифобахш, ҳам тўйимли, ундан яхшилаб тўйиб еяверинглар, нон ўрнини босади, — дердилар бизга маъюс термулиб.

Қарангки, ҳатто ичадиган чойимиз ҳам табиат неъматларидан эди. Жийда ёки олманинг бир парча пўстлоғидан нимтатир хушхўр чой тайёрланарди.

Қишга ҳам тўкилган ўрик, жийда, ёнғоқларни қуритиб ғамлардик. Эрталаб, кечкурунлари уларни кўпинча нон ўрнида тановул қилардик. Шундай оғир дамларда онажонимизнинг биз кичкинтойларга раҳми келиб: «Яхши ҳамки, бахтларингизга табиат сахийлик қилаяпти, мева-чевалар мўл-кўл бўляпти. Агар улар ҳам танқис бўлганида, билмадик ҳолимиз не кечарди», дерди кўз ёши қилиб. Ўша гап ва ўша онлар ҳали ҳам ёдимда, кўз олдимдан кетмайди. Билмадим агар онажонимиз ҳаёт бўлса-ю мана шу ахлатга қўшиб супурилаётган ёз неъматларини кўрса нима дерди экан.

Табиат инсонлар учун ато этган неъматларнинг ҳар бири табаррук, эъзозли. Уларни оёқ ости қилиш — нонкўрлик. Шундай экан, азизлар, нонтепкилик қилмайлик. Мўл-кўл экан, деб уларни исроф қилмай, уволидан қўрқайлик.

## Қилмиш-қидирмиш

— Мен онаман, — деб ёзади тошкентлик М. Каримова таҳририятга йўллаган хатида, — тўрт болани мурғаклигидан катта қилган бахтли онаман. Зеро, оналар учун фарзанд камолини йўлашдан, кўришдан ортиқ бахт йўқ. Фарзандлари йиғласа кўкрак тутиш, «иҳ» деса бошида парвона бўлишдек бахтни табиат фақат онага ато этган. Дунёда онадек улуғ, муҳтарам зот йўқ, деб айтган одам минг карра ҳақ. Лекин гуруч курмаксиз бўлмас эканда. Шундай бахтли замонда она деган мўътабар сўзга, қолаверса, ўз шаънига доғ тушираётган баъзи аёлларни кўрганимда ранжийсан киши. Бунинг мисоли сифатида ўз оиламиз бошидан кечирган бир можарони келтиришим мумкин...

Хат мазмунига кўра Раҳимахон Марҳамат ая оиласига келин бўлиб тушибдики, кунора жанжал. Ҳали чимилдиқдан чиқмай туриб: «Ҳамма ёғимни чанг қилиб ҳовли супурмайман. Айтинг, сингилларингиз супуришсин», деб эрига ҳархаша қилган. Дастлаб Кабиржон хотинининг бу қилиқларини бегонасирашга йўйиб унинг амрини бажо келтириб юрди. Охири иш шунга бориб етдики, хотин фармонбардор, эр бажарувчи бўлиб қолди. Кабиржоннинг боши қотди. Шундай кунларнинг бирида Раҳимахон эрига «оғир оёқ»лигини куйиниб айтиб қолди. Қувончдан Кабиржоннинг кўзлари ёнди. Хотинини маҳкам қучди. Раҳимахон зарда билан эрининг бағридан юлқиниб чиқди.

— Тавба, мен нима ғамдаю бу киши нима хаёлда? — деди у тушкун ҳолатда. Кабиржоннинг «Тинчликми?» деган саволига Раҳимахон шарт-шурт жавоб берди.

— Ҳомиламни олдириб ташламоқчиман. Ёшлигим хазон, ўкишим жувонманг бўлмасин, дейман. Ахир бола катта қилишнинг ўзи бўлмайди-ку.

Кабиржон титраб кетди. Ўзини тутолмай Раҳимахонни тарсакилаб юборди.

— Яхши, — деди хотин алам билан, — туғсам туғаверaман. Лекин бола кимга керак бўлса, ўша боқади.

Раҳимахон ўғил туғди. Хонадонда тўй бўлиб кетди. Бироқ кўзи ёриган она бепарво эди. Гўё бу қувончу шодликлар унга бегонадек. Туғруқхонадан хотинининг баттар инжиқ бўлиб қайтганини кўрган Кабиржон дастлаб уни эрига кўчқордек ўғил ҳадя қилган хотиннинг эркаланиши деган хаёлга борди. Кейин билса гап бошқа ёқда экан.

Раҳимахон боласини ташлаб институтга кетганича қайтиб келмади. Кабиржон қидириб уни уйидан топди. Раҳимахоннинг ота-онаси яккаю ягона тантиқ қизларини инсофга чақирмоқчи бўлишди. «Эр-хотиннинг уруши — дока рўмолнинг қуриши» қабилида гап қилишди. Раҳимахон тўнини бутунлай тескари кийди.

— Уйингизга бормайман, — деди у эрига терс қараб, — менга бола керак эмас, ўзингиз боқаверинг.

Кабиржон индолмай қолди. Ота-она қизига қанча ялиниб-ёлвормасин, Раҳимахон ўз билганидан қолмади. «Ўзимни осаман» деб қарияларни қўрқитди. Кабиржон жаҳл билан чиқиб кетди. Шу баҳона орадан борди-келди анчагача узилиб қолди. Кабиржон билса Раҳимахоннинг кўнгли бошқа гул истаб қолган экан. У беш болали бегуноҳ бир аёлнинг кўзига чўп ташлаб, унинг эри билан ўзга шаҳарга қочиб кетди...

— Набирам Эркинжонни ўзим боқиб катта қилдим. Тўрт ёшга тўлди, — деб хатини давом эттиради М. Каримова. — Бирам дўмбоқ бўлганки, тикилиб тўймайсан киши. Яқинда Эркинжоннинг кўзлари ола-кула бўлиб, кўчадан уйга қочиб кирди. Кела солиб бўйнимга осилди. Ўпкаси тўлиб нуқул: «Ойи, ойижон, анаву хотин мени олиб кетаман дейди. Айтинг, мен кетмайман, у билан кетмайман», деган сўзни такрорлайди.

Эшикдан бир хотин кириб келди. Вой, тавба, Раҳимахонни аввал танимай қолибман. Озиб-тўзиб, қаримсиқ бўлиб кетибдики, асти қўяверасиз. Индамай келиб мен билан кўришди, кечирим сўраган бўлди. Нигоҳи Эркинжон томон қадалди, лаблари титради, кўзларидан дув ёш тўкилди.

— «Ўғлим, — деди титраб-қақшаб, қўлларини Эркинжон томон чўзаркан. Кел, бир ўпай». «Бегона хотин»нинг унга ёпишишидан баттар қўрқувга тушган Эркинжон тобора пинжимга тиқилиб борарди.

— Йўқ, ўптирмайман. Ойи, айтинг, у хотин чиқиб кетсин, ҳозир чиқиб кетсин.

Раҳимахон бола томон қўлларини чўзганча ўкириб йиғлар, Эркинжон ҳайрат билан унга тикилиб турарди. Она болам деб зорилларди. Бола эса минг афсуски, онасини танимасди.

Кейин билсак «суюкли ёр» Раҳимахонни ташлаб, аллақачон ўз хотини билан ярашиб кетган экан. Раҳимахон ёлғизликка чидолмай, охири ўғлини қидириб, яна Тошкентга қайтиб келибди. Ҳозир у биздан боласини ўзига олишни талаб қиляпти. «Отахон айтинг, қайси йўлни танласак тўғри бўлади. Шундай бўлсинки, сих ҳам, кабоб ҳам куймасин», деб хатини тугатибди онахон.

Биз нима ҳам дердик. Аввало бу масалани кўнгил майлига қараб, ўзаро адолат йўли билан ҳал қилишга уриниб кўриш керак. Агар бу билан иш битмаса можарони тарозига солиб, қонуний йўл билан ҳал қилиб берадиган ҳуқуқий идоралар бор.

Боши 3-бетда.

### «Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 – 8.00.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16,05 «Мультсеанс».
16.35 «Вести-спорт».
16.50 Велопойга «Тур де франс».
16.55 «Евроньюс» янгиликлари.
17.10 «Тристан ва Изольда». Сериал.
17.55 «Ниро Вульф ва Арчи Гудзин». Сериал.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Время».
20.30 «Бизнес ревю».
20.35 «Спорт технологияси».
20.55 «Қалбим чечаги». Сериал.
21.45 Кинематограф. «Соврин». Бадиий фильм.
23.35 «Ахборот».
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### 30-й канал

9.00 Открытие программы
9.05 «Теле-хамкор»
9.30 Детский час
10.15 «Пауэр Рейнжерс, или могучие рейнджеры», сериал
10.40 Спорт на «30-м»
11.10 «Скорая помощь», телесериал
12.00 «Крутой полицейский», - остросюжетный фильм
13.30 «Она написала убийство», телесериал
14.10 Детский час
15.00 «Телешоу»
16.00 Спорт на «30-м»
16.40 Документальный сериал
17.30 «Теле-хамкор»
18.00 Киновечер на «30-м»: «Аккомпаниаторша», музыкальный фильм
19.30 «Ошикона», музыкальная передача
19.45 «Главные роли», сериал
20.45 «Теле-хамкор»
21.05 «Клип-совга»
21.20 «Спокойной ночи, малыши!»
21.30 Киновечер на «30-м»: «Охотник на акул», приключенческий фильм
23.15 Спортивная передача
24.00 Программа передач

### Первый канал

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Новости
8.05, 19.00 «Земля любви, земля надежды». Сериал
8.55 Многосерийный фильм «Королева Марго»
9.55 «Большие родители».
10.35 Дисней-клуб.
11.15 Фильм «Европейская история»
13.05 Детективный сериал «Ваш ход, инспектор»
14.15 Док.детектив. «Последний рецепт Отшельника».
14.45 «Ералаш»
15.00 Комедия «Поворот судьбы»
17.20 Сериал «Герой нашего племени»
17.55 Фильм «Ниро Вульф и Арчи Гудвин»
20.00 Время
20.30 Многосерийный фильм «Русские в Городе Ангелов».
21.35 Сериал «Шпионка»
22.30 Ночное «Время»
23.00 «Без страховки». Документальный фильм.
23.30 Чемпионат мира по водным видам спорта.
24.00 Комедия «Безумные подмостки»

### Россия

2.45 «Доброе утро, Россия !».
5.45, 17.55 Сериал «По имени Барон...».
6.40 Фильм «Анискин и Фантомас». 2-я серия.
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 2.00 Вести
8.20 «Короткое замыкание».
9.20, 19.00 Детектив «Марш Турецкого-2».
10.15, 13.45 «Экспертиза».
10.30,14.50, 22.00 «Дорожный патруль».
10.45, 15.20, 17.30 Вести-Москва.
11.20 «Что хочет женщина».
12.10 Сериал «Семейные тайны».
13.15 «Простые истины». Телесериал.
14.20, 16.50, 1.50 Вести. Дежурная часть.
15.05 Вести-спорт.
15.50 «Комиссар Рекс». Телесериал
17.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 Детектив «Семь дней после убийства».
22.15 «Горячая десятка».
23.10 Сериал «Бетти».
0.00 Телесериал «Гросс-Пойнт»
0.45, 2.15 Канал «Евроньюс» на русском языке.

### ТВ-3

7.30 «Победоносный голос верующего».
8.00 Мультсериал «Мумии возвращаются».
8.30 Фильм «Неустановленное лицо».
10.30 Фильм «Молодые стрелки 2. Охота на Билли Кида».
12.30 Фильм «За чертой».
14.30, 19.00 Телесериал «Мэдисон».
15.00 Фильм «Игра в четыре руки».
17.00 Фильм «Реквием».
19.30, 24.00, 2.30 Телесериал «Истории о привидениях».
20.00 Фильм «Сделка жизни».
22.00 Фильм «Обман».
00.30 Фильм «Боевые роботы».
3.00 Мультсериал «Рекс».

### НТВ

5.00 Утро на НТВ
8.05 Сериал «Жил-был я...»
9.00 «Сегодня утром»
9.20 Фильм «Эскадрон гусар летучих», 1-серия
11.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00 «Сегодня»
11.35 Ток-шоу «Страна советов»
12.35 Остросюжетный сериал «След оборотня»
13.45 Криминал
14.35 «Принцип домино»
16.30 Сериал «Скорая помощь-2»
17.25 «Чистосердечное признание»
18.35, 21.35 Сериал «Улицы разбитых фонарей»
19.45 Боевик «Удар лотоса-2»
22.40 Сериал «Клан Сопрано»
23.55 «Страна и мир».
00.25 «Ночь»

### РЕН-ТВ

7.30 «24». Информационная программа on-line.
8.00, 13.25 «Безумный мир».
8.30, 17.50 «Пауэр Рейнджерс, или могучие рейнджеры». Телесериал.
8.55, 17.25 «Гаджет и Гаджетины». Мультсериал.
9.20, 17.00 «Кибер-9». Мультсериал.
9.45 «Обж, или оседлать бешеного жеребца». Телесериал.
10.15 «Баффи». Телесериал
11.15 «Кино»: «Игра в прятки»
14.00 «Вино любви». Теленовелла
14.55 «Народ против». Телеигра.
15.30, 22.30 «24». Информационная программа.
15.50, 21.20 «Маросейка, 12». Телесериал.
18.15 «Кино»: «В поисках капитана Гранта».
20.55 «Гриффины». Мультсерия
23.05 «Кино»: «Предательство»
1.30 «Комнаты смерти». Телесериал
2.30 «Иллюзион»: «Джентльмен Джим»

### ТНТ

5.00, 8.00 «Завтрак с Дискавери».
6.00, 2.10 «О, Счастливчик!» Игра.
6.40, 11.30 Мультимир: «Черепашки-ниндзя».
7.05, 11.55 Мультимир: «Сейлормун».
7.30, 12.30 ТВ-клуб.
9.05 «Полная чушь». Комедия.
12.15 «Наши песни».
13.00 «Новая жертва». Детективная мелодрама.
14.00 «Слава за минуту».
15.00, 20.00 Борьба за «Дом».
16.00, 19.00, 23.40 «Окна».
17.00 «Бремя денег».
18.00 Служба Личных Новостей.
18.30, 23.10 Москва: инструкция по применению.
21.00 ТНТ-комедия «Ангел-хранитель».
0.40, 3.10 «Империя страсти».
1.25 «Земля: последний конфликт-2». Фантастический сериал.

### ТВЦ

7.00 Канал «Настроение».
10.00 «Разлученные». Телесериал
10.50 Русские зимы в Ницце.
11.20 Спорт-экстрим.
11.40 Телемагазин.
12.00, 15.00, 19.00, 23.00, 1.10 События
12.15 Телеканал «Дата».
13.25 Наша версия.
14.05 «Наследство афродиты». Телесериал
14.40, 0.50 Петровка, 38.
15.15 «Инспектор Деррик». Сериал.
16.30 Очевидное - невероятное.
17.00 Регионы: прямая речь.
17.30 Дневник Спортивных юношеских игр «Москва - Юта»-2003.
18.00 «Комиссар Мулен». Телесериал
19.15 «Приглашает Борис Ноткин».
20.00 «Загадочная женщина». Телесериал
20.55 «Долгий путь домой». Фильм
22.50 МегаЛото.
23.45 Времечко.
24.15 Дневник Спортивных юношеских игр «Москва - Юта» — 2003.
1.30 Серебряный диск.
1.50 «По закону». Телесериал.
2.45 «Синий троллейбус».

## ПАЙШАНБА, 24

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Қизиқарли учрашувлар».
2. «Ёш юлдузлар».
3. «Акс-садо ҳақида эртак». Мультфильм.
10.00 , 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Тирик сайёра. «Қушлар ҳақида ҳақиқат».
10.55 «Таянч нуқтаси».
11.15 «Аския».
11.35 «Фанимиз истиқболлари».
11.55 , 13.55 ТВ-анонс.
12.05 С. Юдаков. «Майсаранинг иши». А. Навоий номидаги Ўзбек Давлат академик опера ва балет Катта театрининг спектакли.
13.35 Болалар спорти: «Биз спортчилар оиласимиз, сафимизга қўшилинг».
14.10 «Журналист таҳлили».
14.30 Кундузги сеанс: «Сиздан угина, биздан бугина». Бадиий фильм.
15.50 «Меҳр қолур».
16.10 «Камила». Телесериал.
Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси»:
16.40 1. «Болаликнинг мовий осмони».
2. «Шоирлар - болаларга».
17.40 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
18.25 «Сиҳат-саломатлик».
18.45 «Ўлан айтгани келдик».
19.05 «Ҳаёт ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 FGN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулоқот.
21.45 ТВ-клип.
21.50 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.20 «Тарих кўзгуси».
22.40 «Ахборот-дайжест».
23.00 «Севги сароблари». Бадиий фильм.
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 Тонгги сериал: «Доктор Финли» 15 - қисм.
10.05 ТВ - анонс.
10.10 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Келинг, танишайлик.
10.40 Ўйна, болажон, ўйна.
10.55 Ёшлар овози.
11.15 «Гвадалупе». Телесериал.
11.55 Спорт - қитъаси (рус тилида)
12.25 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.45 Кўҳна оҳанглар.
12.55 ТВ - анонс.
13.00 Давр.
13.10 Ёзги таътил экрани: «Анпанман». Мультсериал.
13.35 «Янги авлод» студияси: Ҳар соҳага саёҳат.
13.50 Интерфутбол.
15.30 Сув – ҳаёт манбаи.
15.35 Истиқлол умидлари.
15.55 «Муқаддима». Бадиий фильм.
17.20 ТВ – анонс.
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа.
17.50 Далил ва шарҳ.
18.00 ТВ - анонс.
18.05 Сийрат.
18.25 Табобат оламида.
18.50 Олтин мерос:
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» – интервью.
19.50 ТВ -анонс.
19.55 Ёшлар овози.
20.15 Мусиқий лаҳзалар.
20.25 Бегойим.
20.45, 21.30, 22.35 Эълонлар.
20.50 «Гвадалупе». Телесериал.
21.35 Қутқарув «050».
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
23.35-23.40 Хайрли тун.

### «Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 TTVда сериал. «Живз ва Вустер».
18.05, 20.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 21.20, 22.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Бурч ва масъулият».
19.05 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Зомин манзаралари».
19.15 «TTVда сериал. «Айрилиқ азоби».
20.25 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
21.00 TTVда сериал. «Қайсар ва довюраклар».
21.40 «Умр йўлдоши».
22.35 Кинонигоҳ. «Комиссар Навваро».
23.55.24.00 Хайрли тун шаҳрим!.

### «Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 – 8.00.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультсеанс».
16.35 «Вести-спорт».
16.50 Велопойга «Тур де франс».
16.55 «Евроньюс» янгиликлари.
17.10 «Тристан ва Изольда». Сериал.
17.55 «Ниро Вульф ва Арчи Гудзин». Сериал.
19.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
20.00 «Время».
20.30 «Бизнес ревю».
20.35 «Ишбилармон кишилар».
20.55 «Арт-каталог».
21.15 «Қалбим чечаги». Сериал.
22.05 «FCN Ўзбекистон янгиликлари» (Инглиз тилида)
22.10 «Любэ» гуруҳи ижросидаги концерт дастури.
22.50 «Ахборот».
23.25 Кинематограф. «Севги формуласи». Бадиий фильм.
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### 30-й канал

9.00 Открытие программы
9.05 «Теле-хамкор»
9.30 Детский час
10.15. «Пауэр Рейнджерс, или могучие рейнджеры», сериал
10.40 Спорт на «30-м»
11.10 «Скорая помощь», телесериал
12.00 «Охотник на акул», приключенческий фильм
13.30 «Она написала убийство», телесериал
14.10 Детский час
15.00 «Телешоу»
16.00 Спорт на «30-м»
16.40 Документальный сериал
17.30 «Теле-хамкор»
18.00 Киновечер на «30-м»: «Чудак человек», мелодрама
19.30 «Ошикона», музыкальная передача
19.45 «Главные роли», сериал
20.45 «Теле-хамкор»
21.05- «Клип-совга»
21.20 «Спокойной ночи, малыши!»
21.30 Киновечер на «30-м»: «Монах-2», остросюжетный фильм
23.15 Спортивная передача
24.00 Программа передач

### Первый канал

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Новости
8.05, 19.00 «Земля любви, земля надежды»: Сериал
8.55 Многосерийный фильм «Королева Марго»
9.55 «Шутка за шуткой».
10.35 Дисней-клуб.
11.15 Фильм «Нюркина жизнь»
13.05 Детективный сериал «Ваш ход, инспектор»
14.15 Док.детектив. «Призраки монетного двора».
14.45 «Ералаш»
15.00 Фильм «Любовный роман»
17.20 Сериал «Герой нашего племени». Закл.
17.55 Фильм «Ниро Вульф и Арчи Гудвин»
20.00 Время
20.30 Многосерийный фильм «Русские в Городе Ангелов».
21.35 Сериал «Шпионка»
22.30 Ночное «Время»
23.00 «Крылья»
23.30 «Мужчины и женщины острова Папуа
24.00 Фильм. «Всегда»

### Россия

2.45 «Доброе утро, Россия !».
5.45, 17.55 Сериал «По имени Барон...».
6.40 Фильм «И снова Анискин». 1-я серия.
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 2.00 Вести
8.20 «Короткое замыкание».
9.20, 19.00 Детектив «Марш Турецкого-2».
10.15, 13.45 «Экспертиза».
10.30,14.50, 23.05 «Дорожный патруль».
10.45, 15.20, 17.30 Вести-Москва.
11.20 «Что хочет женщина».
12.10 Сериал «Семейные тайны».
13.15 «Простые истины». Телесериал.
14.20, 16.50, 1.50 Вести. Дежурная часть.
15.05 Вести-спорт.
15.50 «Комиссар Рекс». Телесериал
17.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 Фильм «Свой человек»
23.20 Сериал «Бетти»
0.10 Телесериал «Гросс-Пойнт»
0.55, 2.15 Канал «Евроньюс» на русском языке.

### ТВ-3

7.30 «Победоносный голос верующего».
8.00 Мультсериал «Ураганчики».
8.30 Фильм «Молодые стрелки 2. Охота на Билла Кида»
10.30 Фильм «Пинг!»
12.30 Фильм «Смертельное падение».
14.30, 19.00 Телесериал «Мэдисон».
15.00 Фильм «Сделка жизни».
17.00 Фильм «Наблюдатель».
19.30, 24.00, 2.30 Телесериал «Истории о привидениях»
19.55 Прием ведет психолог.
20.00 Фильм «Конвоиры».
22.00 Фильм «За чертой».
00.30 Фильм «Реквием».
3.00 Мультсериал «Рекс»

### НТВ

5.00 Утро на НТВ
8.05 Сериал «Жил-был я...»
9.00 «Сегодня утром»
9.25 «Растительная жизнь»
10.05 «Кулинарный поединок»
9.00 «Сегодня утром»
11.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00 «Сегодня»
11.35 Ток-шоу «Страна советов»
12.35, 19.45 Боевик «Удар лотоса-2»
13.50 Криминал
14.35 Фильм «Семнадцать мгновений весны», 1-серия
16.30 Сериал «Скорая помощь-2»
17.25 «Очная ставка».
18.35, 21.30 Сериал «Улицы разбитых фонарей»
22.35 Сериал «Клан Сопрано»
23.45 «Страна и мир».
00.15 Гордон
1.10 «Кома»

### РЕН-ТВ

7.30 «24». Информационная программа on-line.
8.00, 13.25 «Безумный мир».
8.30, 17.50 «Пауэр Рейнджерс, или могучие рейнджеры». Телесериал.
8.55, 17.25 «Гаджет и Гаджетины». Мультсериал.
9.20, 17.00 «Кибер-9». Мультсериал.
9.45 «Обж, или оценки будут ужасными». Телесериал.
10.15 «Баффи». Телесериал
11.15 «Кино»: «Предательство»
14.00 «Вино любви» Теленовелла
14.55 «Народ против». Телеигра.
15.30, 22.30 «24». Информационная программа.
15.50, 21.20 «Маросейка, 12». Телесериал.
18.15 «Кино»: «Колье Шарлотты». 1-я серия.
20.55 «Гриффины». Мультсерия
23.05 «Кино»: «Мамин друг»
1.50 «Комнаты смерти». Телесериал
2.50 «Кино»: «Поезд-тюрьма»

### ТНТ

5.00, 8.00 «Завтрак с Дискавери».
6.00, 2.00 «О, Счастливчик!» Игра.
6.40, 11.30 Мультимир: «Черепашки-ниндзя».
7.05, 11.55 Мультимир: «Сейлормун».
7.30, 12.30 ТВ-клуб.
9.05 «Ангел-хранитель». Комедия.
11.15 Мультимир: «Серебряное копытце».
12.15 «Наши песни».
13.00 «Новая жертва». Детективная мелодрама.
14.00 «Слава за минуту».
15.00, 20.00 Борьба за «Дом».
16.00, 19.00, 23.30 «Окна».
17.00 «Запретная зона».
18.00 Служба Личных Новостей.
18.30, 23.00 Москва: инструкция по применению.
21.00 ТНТ-комедия «Прогулка с придурками».
0.30 «Империя страсти».
1.15 «Земля: последний конфликт-2». Фантастический сериал.

### ТВЦ

7.00 Канал «Настроение».
10.00 «Разлученные». Телесериал
10.50 Русские зимы в Ницце.
11.20 Спорт-экстрим.
11.40 Телемагазин.
12.00, 15.00, 19.00, 23.00, 1.10 События
12.15 Телеканал «Дата».
13.10 Особая папка.
13.40 Игра в прятки.
14.00 Доходное место.
14.05 «Наследство Афродиты». Телесериал
14.40, 0.50 Петровка, 38.
15.15 «Инспектор Деррик». Сериал.
16.30 Москва смеется.
17.00 Регионы: прямая речь.
17.30 Дневник Спортивных юношеских игр «Москва - Юта» — 2003.
18.00 «Комиссар Мулен». Телесериал
19.15 Мода non-stop.
20.00 «Загадочная женщина». Телесериал
20.55 Боевик «Взрыватель»
22.40 «Белая халатность». Спецрепортаж.
23.45 Времечко.
24.15 Дневник Спортивных юношеских игр «Москва - Юта» — 2003.
1.30 Серебряный диск.
1.50 «По закону. Телесериал
2.45 «Синий троллейбус».

## ЖУМА, 25

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони».
2. «Шоирлар - болаларга».
10.00 , 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Илонлар водийсининг касофати». Бадиий фильм.
11.40 «Сиҳат-саломатлик».
12.05 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда - Сурхондарё вилояти.
12.25 , 13.55 ТВ-анонс.
12.30 «Дурбин». Ҳажвий киножурнал.
13.00 ТВ-клип.
13.10 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
13.25 «Олам». Телеальманах.
14.10 Телемулоқот.
14.50 Кундузги сеанс: «Кутилмаган меҳмон». Бадиий фильм.
16.05 «Ҳаёт ва қонун».
16.25 «Камила». Телесериал.
Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси»:
16.55 1. «Цирк, цирк, цирк».
2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
18.10 «Иқтидор». Интеллектуал телеўйин.
18.45 «Тафсилот».
19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 ТВ-клип.
21.40 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.10 «Олтин бешик».
22.30 ТВ-клип.
22.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.50 «Ахборот-дайжест».
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 Тонгги сериал «Доктор Финли» 16 - қисм.
10.05 «Давр»-интервью.
10.20 ТВ - анонс.
10.25 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа.
10.45 Болалар шеърияти.
10.55 Бегойим.
11.15 «Гвадалупе». Телесериал.
11.55 Ёшлар овози.
12.15 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаҳа.
12.30 Далил ва шарҳ.
12.40 «Шарқ тароналари» фестивали оҳанглари.
12.55 ТВ - анонс.
13.00 Давр.
13.10 Ёзги таътил экрани: «Анпанман». Мультсериал.
13.35 Сийрат.
13.55 Интерфутбол.
15.35 Ҳамкасб.
15.50 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
16.40 Азизим.
17.20 ТВ - анонс.
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: Меҳмонхона.
17.50 Қишлоқдаги тенгдошим.
18.10 Автосалтанат.
18.25 Аскар мактублари.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» нигоҳи.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 Меҳр кўзда.
20.45 21.30, 22.35 Эълонлар.
20.50 «Гвадалупе». Телесериал.
21.35 Болалар спорти: аҳвол қандай?.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ – анонс ва тунги тароналар.
22.55 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Ринг қироллари, 2.Футбол плюс.
0.15 – 0.20 Хайрли тун.

### «Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 TTVда сериал. «Живз ва Вустер».
18.05, 20.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Биз ва болалар».
18.30, 20.00, 21.20, 22.45 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Ораста шаҳрим».
19.15 «TTVда сериал. «Айрилиқ азоби».
20.25 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
21.00 TTVда сериал «Қайсар ва довюраклар».
21.40 «Дорихона эшитади». Бевосита мулоқот.
22.30 «Эл хизматида».
23.10 Кинонигоҳ «Занжир».
00.40.00.45 Хайрли тун, шаҳрим!

### «Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 – 8.00.
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Мультсеанс».
16.35 «Вести-спорт».
16.50 Велопойга «Тур де франс».
16.55 «Евроньюс» янгиликлари.
17.10 «Топ мюзик».
17.20 «Инсон ва қонун».
17.55 «Ниро Вульф ва Арчи Гудзин». Сериал.
18.55 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.35 «Йил қўшиқлари». Ёз.
22.10 «Бизнес-ревю».
22.15 «Дурдаршан».
22.40 «Хит парад».
23.10 «Стиль».
23.25 «Бешинчи ғилдирак».
23.35 «Ахборот».
00.05 «Қалбим чечаги». Сериал.
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### 30-й канал

9.00 Открытие программы
9.05 «Теле-хамкор»
9.30 Детский час
10.15 «Пауэр Рейнжерс, или могучие рейнджеры», сериал
10.40 «Познавательная передача»
11.10 «Скорая помощь», телесериал
12.00 «Монах-2», остросюжетный фильм
13.30 «Она написала убийство», телесериал
14.10 Детский час
15.00 «Телешоу»
16.00 Спорт на «30-м»
16.40 Документальный сериал
17.30 «Теле-хамкор»
18.00 Звезды ринга на «30-м»: «Лучшие поединки звезд профессионального и «юбительского бокса
18.50 Юмористическая передача
19.30 «Ошикона», музыкальная передача
19.45 «Главные роли», сериал
20.45 «Теле-хамкор»
21.05 «Клип-совга»
21.20 «Спокойной ночи, малыши!»
21.30 Киновечер на «30-м»: «Лучший способ умереть», остросюжетный фильм
23.15 Спортивная передача
24.00 Программа передач

### Первый канал

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Новости
8.05, 19.00 «Земля любви, земля надежды». Сериал
9.00 Многосерийный фильм «Королева Марго»
10.00 «Сами с усами»
10.40 Сериал «Твинисы»
11.15 Фильм «Ветер надежды»
12.45 «Непутевые заметки» с Дм.Крыловым
13.05 Детективный сериал «Ваш ход, инспектор»
14.15 Док.детектив. «Украли маму».
14.50 Комедия «Грубая огранка»
17.20 «Человек и закон»
17.55 Фильм «Ниро Вульф и Арчи Гудвин»
18.55 Поле чудес
20.00 Время
20.30 Песня года. Лето
22.10 Комедия «Полицейская академия: Дружинники на улицах»
23.45 Чемпионат мира по водным видам спорта.
00.15 Триллер «Лифт»

### Россия

2.45 «Доброе утро, Россия !».
5.45 Сериал «По имени Барон...».
6.40 Фильм «И снова Анискин». 2-я серия.
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 2.00 Вести
8.20 «В поисках приключений».
9.20 Детектив «Марш Турецкого-2».
10.15, 13.45 «Экспертиза».
10.30, 23.35 «Дорожный патруль».
10.45, 15.20, 17.30 Вести-Москва.
11.20 «Моя семья».
12.15 «Комната смеха».
13.15 «Простые истины». Телесериал.
14.20 «Сам себе режиссер».
15.50 «Аншлаг».
16.50, 1.20 Вести. Дежурная часть.
17.50 «Спокойной ночи, малыши!».
17.55 Гала-концерт, посвященном 30- летию ГЦКЗ «Россия».
20.55 Фильм «Контракт со смертью».
23.50 Сериал «Бетти».
0.40 Телесериал «Гросс-Пойнт».
1.30 Канал «Евроньюс» на русском языке.

Давоми 5-бетда

## «02»: ҲОДИСАЛАР

• Аввал ҳам ўйламасдан содир этган ножўя ҳаракати учун маълум муддат темир панжара ортидаги ҳаётини татиб қайтган Сергели-7 даҳасида яшовчи М. Игорь яна такрор «эски ҳунар»ини синовдан ўтказди. Бирон жўяли жойда меҳнат қилмаганлиги туфайли пул топишнинг қингир йўлини танлаган бу йигит ҳеч иккиланмасдан ўғирликка қўл урди. У Қўйлиқ 6-даҳасида жойлашган 5-уйнинг 72-хонадонига шахта орқали кириб олиб, уй эгаси Н. Брулинага тегишли тикув машинасининг эҳтиёт қисмларини ўғирлаб кетаётган вақтда милиция ходимлари унинг йўлига тўғаноқ бўлишди.

• Чилонзор тумани ИИБ навбатчилик қисмига Чилонзор тумани, 1-уйнинг 51-хонадонида ўғирлик жиноятини содир этаётган бир шахс ушлаб олиб келинди. Аниқланишича, Сафдош кўчасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Р. Виталий деган ушбу йигит хонадон соҳиби Сметаниананинг уйига балкон ойнасини синдириш йўли билан кириб, умумий нархи 1.906.500 сўмлик мол-мулкларни ўмариб кетаётган экан. Ҳозирда тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

• «Қўйлиқ» деҳқон бозорида савдо қилаётган Жиззах вилояти, Зомин тумани ҳудудида жойлашган Пешовар қишлоғида истиқомат қилувчи И. Ўралов ўзининг 75.000 сўмлик 3 қоп гуручи номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилганлиги тўғрисида милицияга хабар берди. Мазкур жиноий ҳаракат юзасидан шошилинч тарзда чора-тадбирлар кўрган ички ишлар ходимлари қисқа фурсатлар оралиғида айбдорларни аниқлашга муваффақ бўлдилар. Улар, Фарғона вилояти, Фарғона туманилик бирон жойда ишламайдиган Б. Расул ва унинг ҳамтовоғи Қўйлиқ 5-даҳасида истиқомат қилувчи Й. Тоҳирлар экан.

• Гиёвандлик инсоният саломатлигига кескин хавф солувчи иллат ҳисобланади. Аммо минг афсуски, орамизда айрим кимсалар учрайдики, улар гиёванд моддалар олди-сотдиси билан шуғулланишиб, бунинг ортидан мўмай даромад орттириб олишни кўзлашади. Яқинда пойтахтимизнинг Лисунов кўчасида яшовчи, бирон жойда ҳалол меҳнат қилишни хоҳламайдиган С. Михаилнинг 100 грамм миқдордаги героин заҳарли моддасини Юнусобод даҳаси, 9-мавзеда яшовчи Р. Валерийга пуллаётганлиги аниқланиб, ҳар икки шахс ҳам милиция ходимлари томонидан ушландилар.

• Акмал Икромов тумани ИИБ ходимлари томонидан ҳам бир оғуфурушнинг қингир фаолиятига қатъий чек қўйилди. Чилонзор 12-даҳасида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган F. Баҳодир исмли бу кимса тўхтатиб, текширилганида унинг ёнидан 14, 95 грамм марихуана гиёвандлик моддаси топилди.

• Ички ишлар ходимларининг гиёвандликка қарши кескин тарзда олиб бораётган курашлари натижасида ушбу жиноят botқоғига кириб қолган кимсалар, қонун олдида тегишли жазога тортилмоқдалар. Бешчинор кўчасида истиқомат қилувчи, ҳалол меҳнат ортидан кун кечиришга бўйин товлайдиганлар сирасига кирувчи К.Омон ҳам Сергели туман ИИБ тезкор ходимларининг ҳушёрлиги туфайли қўлга олиниб, унинг ёнидан 282,75 грамм марихуана олинди. Ҳозирда оғуфурушлар устидан тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

**Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази материаллари асосида Дилдора РАҲИМОВА тайёрлади.**

*Китоб жавонингизга*

# МАРД МЕҲРИ — ВАТАН СЕҲРИ




**Истеъфодаги тиббий хизмат подполковниги, шоир Искандар Раҳмонни шеърият ихлосмандлари яхши танишади албатта. Унинг қаламига мансуб «Меҳрибонлар», «Дардинг билан яшайман дунё!», «Ўзбекистонлик шифокорлар уруш йилларида», «Оқ либосли халоскорлар», «Оловли гулдаста», «Ҳарбий шифокор хазинаси», «Асолат юлдузи», «Умр зарвароқлари» каби насрий тўпламлар, «Йўллардаги гуллар», «Ўзбекистон аскарларимиз», «Жоним фидо Ватанга», «Асра болам ўзингни» сингари шеърий китоблар чоп этилиб, мухлислари қўлига бориб етган.**

Яқинда Искандар Раҳмоннинг яна бир янги шеърий китоби «Мард меҳри — Ватан сеҳри» номи билан нашр этилди. Ушбу тўплам «Ватанимга хизмат қиламан!» туркумида чоп этилиб, унда Она Ватан, жонажон Ўзбекистонимиз ҳақидаги ва жанговарлик руҳидаги шеърлар, қўшиқлар, маршлар ўз ифодасини топган. Айниқса шоирнинг Обод маҳалла йилига бағишланган шеъридаги қуйидаги мисраларни китобхон ҳаяжонга тўлиб ўқиши табиий:

**Элимиз озодки, ҳар дам, ҳар палла,**
**Ҳар хона, гўшада шукрона, алла.**
**Кекса-ёш айтади алёр баралла:**
**Янграсин тарона, янграсин ялла,**
**Рўшнолик кўрсин ҳур, обод маҳалла...**

Искандар Раҳмоннинг шеърларида сўз сеҳри, теран маъно, тиниқ фикр эркин ифодасини топган. Шоир қалбида жўш урган ҳис-туйғуларини марварид доналаридек шеърий мисраларга жойлайди. Шеърларининг асосий мавзуси жонажон Ватан мадҳи десак адашмаймиз. Бу шеърлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

«Ўзбекистон — Ватаним маним», «Аскар қўшиқлари» кўрик-танловларида совринли ўринга сазовор бўлган Искандар Раҳмоннинг янги қўшиқлар тўплами Ватанимиз посбонларининг чинакам ҳамроҳи, суянчи ва таянчи бўлади, деган умиддамиз.

**Дилором ИКРОМОВА**

• ҲАМКОРЛИК

## Ўқув дастурида — дипломатия

Глобаллашув жараёнида аниқ, равшан, шу билан бирга изчил ташқи сиёсат мамлакат тараққиёти, фаровонлиги ва хавфсизлигининг гаровидир. Шу маънода ташқи сиёсатни яратувчи шахслар, дипломат кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш долзарб вазифалардан саналади. Бу ўринда мамлакатимизда дипломат кадрлар малакасини ошириш борасида жаҳоннинг қатор нуфузли олий ўқув юртлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Голландиянинг Клингендейл халқаро муносабатлар институти шу каби ўқув масканларидан бири бўлиб, мана ўн йилдирки "МАТРА" дастури доирасида юртимиз ташқи сиёсий маҳкамаси билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

1983 йилда ташкил этилган Клингендейл Халқаро муносабатлар институти дипломатия, хавфсизлик ҳамда халқаро можароларни тадқиқ этиш борасида жаҳоннинг етакчи илмий марказларидан бири саналади.

Голландиянинг сиёсий пойтахи ҳисобланмиш Гаага шаҳрида жойлашган ушбу институт бугунга келиб курраи заминимизнинг турли минтақаларидан келган дипломатлар учун малака ошириш ҳамда тажриба алмашиш масканига айланган.

Институт 1993 йилдан буён мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлиги билан ўтиш даврини кечираётган мамлакатлар учун "МАТРА" дастури асосида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўн йил давомида ушбу дастур доирасида 50 га яқин Ўзбекистон вакиллари Голландияда малака ошириб қайтди.

— Курсларимиз давомида юртингиз вакиллари ўзгарувчан сиёсий иқтисодий воқеълик шароитида халқаро муносабатлар табиати, музокара ва маслаҳатлашувлар олиб бориш санъати ҳамда дипломатиянинг глобаллашув шароитида вужудга келган жамоатчилик, нодавлат ташкилотлари ҳамда ОАВлари билан ишлаш каби янги қирралари билан танишиш имкониятига эга бўлдилар, — деди биз билан суҳбатда институт халқаро алоқалар ва дипломатик курслари директори жаноб Рон Тон. — Бу эса дипломатларнинг ўз вазифаларини янада самарали ижро этишларида, давлатни халқаро муносабатлар жараёнининг фаол иштирокчисига айлантиришларида катта аҳамият касб этади.

Жаноб Тон мамлакатимизнинг ушбу ўтган вақт мобайнида халқаро муносабатлар ва дипломатия соҳасида эришган ютуқларини эътироф этар экан, вакилларимизнинг профессионал маҳоратига юксак баҳо берди.

— Ўзбекистонлик дипломатлар Шарқ ва Ғарб дипломатиясининг энг яхши анъаналарини ўзларида мужассам этишган, — деди у. — Ишонаманки, улар юртингизни халқаро муносабатлар жараёнининг фаол иштирокчисига айланишида ҳамда ота-боболари эришган буюк давлат шуҳратини қайта тикланишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Ўзининг 10 йиллигини нишонлаган "МАТРА" дастури шу йил якун топиши кутилаётган бўлсада, Клингендейл маъмурияти мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлиги билан бошқа турли дастурлар доирасида ҳамкорлик қилишни режалаштирган.

Институт таълим ва малака ошириш бўлими бошлиғи Ян Мелиссоннинг айтишича, бу каби ҳамкорлик дунё мамлакатларининг ўзаро муштарак мақсадларга эришиш йўлидаги якдиллигини мустаҳкамлашга, сайёрамизда тинчлик ва осойишталикни ўрнатилишига хизмат қилади.

**Акмалжон ҚЎЧҚОРОВ, «Жаҳон» АА.**



**Ойдин йўллар сени чорлар жажжигина қизалоқ!**

# Мунажжимлар башорати

**21-27 июль**

**Қўй** (21 март — 20 апрель) — Қатъиятлилигингиз, фаоллигингиз сизга омад келтиради. Хизмат жойингизда юксак лавозимлар сизни кутмоқда. Имкониятни қўлдан бой берманг.

**Бузоқ** (21 апрель — 20 май) — Ушбу ҳафтада амалга оширган ишларингизни қайтадан бажаришга тўғри келади. Кутилмаган муаммолар юзага келиши мумкин. Келажакка умид билан боқишга, муаммоларингизни ўз вақтида ҳал қилишга интилинг.

**Эгизаклар** (21 май — 21 июнь) — Ҳафта бошида ишбилармон ҳамкорлар доирасида фақат яхши натижаларга эришасиз. Ишингизга бoғлиқ ҳужжатлар билан ишлашда эҳтиёткор бўлинг. Шошқалоқлик сизга қимматга тушиши мумкин.

**Қисқичбақа** (22 июнь — 23 июль) — Ҳафтанинг ўрталарида молиявий-иқтисодий масалалар билан шуғуллана кўрманг. Катта ҳаражат ва чиқимлар оилавий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши эҳтимол.

**Арслон** (24 июль — 23 август) — Ушбу ҳафта оилангизда қувончли хушхабарлар билан бошланади. Яқинларингиз билан учрашасиз. Кутилмаган учрашувлар бошингиз осмонга етади.

**Паризод** (24 август — 21 сентябрь) — Бу ҳафтада вазият сиздан ҳар бир ишни пухта ўйлаб, кейин амалга оширишни талаб қилади. Бор кучингиз ва имкониятларингизга ҳадеб эрк бераверманг. Оилангиз, соғлиғингиз ҳақида ўйланг.

**Тарозу** (22 сентябрь — 23 октябрь) — Жуда жиддий ишларга шўнғиб кетасиз. Турли саволлар ва тўсиқларга дуч келишингиз эҳтимол. Ишларингиз самарасиз кечаётганидан умидсизликка тушманг, қатъиятли бўлинг.

**Чаён** (24 октябрь — 22 ноябрь) — Тадбиркорлик фаолиятингизда омад сизга кулиб боқади. Ўйлаган режаларингиз сиз кутгандан аъло даражада ўз натижасини кўрсатади. Дам олиш кунлари оилангиз даврасида бўлиб, мириқиб дам олинг.

**Ўқотар** ( 23 ноябрь — 21 декабрь) — Ҳафтанинг биринчи ярмида қисқа муддатли сафарларингиз самарали кечади. Бироқ ҳамкасбларингизнинг сизга туҳмат уюштиришлари барча ишларингизнинг орқага кетишига сабаб бўлади. Асабийлашмай, мулоҳаза билан иш кўринг.

**Тоғ эчкиси** ( 22 декабрь — 19 январь) — Жума ва шанба кунлари бироз ҳордиқ олишга, соғлиғингизга эътибор қаратинг. Сўнг йиғилиб қолган муаммоларингизни ҳал қилиб, мақсадингиз сари интилинг.

**Қовға** (21 январь — 19 февраль) — Сиз қийинчиликларни енгиб ўргангансиз. Меҳнатсиз роҳат йўқлигини тушунасиз. Ҳаётингизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, гап-сўзлардан умидсизликка тушманг. Ҳаммаси яхшилик билан тугайди.

**Балиқ** (20 февраль — 20 март)— Кўнглингиз чопмаган ишларни таваккал бошламанг. Бир оғиз ўйламай гапирган ноўрин гапингиз сизга кўп муаммолар туғдириши мумкин. Ноқулай вазиятдан чиқишга уринг.

• ФАН

## Марказнинг йирик тадқиқотлари

**Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли «Сит» илмий-техника маркази қатор илмий йўналишлар техникавий жараёнларини тадқиқ қилиш билан шуғулланмоқда. Унинг самолётсозлик саноати техника ривожи билан боғлиқ изланишлари ҳам яхши баҳоланмоқда.**

Марказ олимларининг «Самолётсозлик саноати ишлаб чиқариши технологик жараёнлари самарадорлигини ошириш масалалари» деган дастур доирасида эришган ютуқлари ҳам соҳа мутахассислари эътиборини ўзига тортмоқда. Бу борадаги изланиш натижалари В. Чкалов номидаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссадорлик жамияти цех ва участкаларида кенг қўлланилмоқда.

Булар тўғрисида тайёрланган илмий маъруза «Учиш аппаратлари мониторинги — 2003» халқаро илмий-техника конференцияси дастуридан ўрин олди. Бундан ташқари марказнинг етакчи мутахассислари томонидан «Ишлаб чиқариш ҳолатларининг технологик таҳлили ҳамда лойиҳалаш», «Ҳолатлар таҳлили тизими ва топологик базись», «Катта ахборот тизимларида ўзаро алоқадорлик» деб номланган тадқиқотлар ҳам анжуманда энг яхши маърузалар деб топилди.

**Абдулазиз МУЛЛАБОЕВ**

# Ҳамкорлик мустаҳкамланади

**Сиёсий тараққиёт соҳасида эркин демократик партия фракцияси спикери Маркус Лёнинг раҳбарлигидаги Германия Бундестаги иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш бўйича қўмитаси вакилларининг Ўзбекистонга сафари давомида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Ушбу битимга мувофиқ Германия Ўзбекистонга 1,6 миллион евро миқдорида кредит ажратади. Маблағлар Тошкент аэропорти терминалини қайта таъмирлашга ишлатилади.**

Немис парламенти вакиллари дастлаб Қорақалпоғистонда бўлишди. Бу ерда немисларнинг «Орол денгизининг қуриган тубини ўзлаштириш»га техник ёрдам лойиҳаси тақдимоти бўлиб ўтди.

Германия Бундестаги аъзоси, сиёсий тараққиёт соҳасида эркин демократик партия фракцияси спикери Маркус Лёнинг бошчилигидаги делегация Ўзбекистон парламентида, Ташқи ишлар, иқтисодиёт вазирликлари ва бошқа ташкилотларда бўлишди.

Ўзбекистон Олий Мажлис раиси Эркин Халилов билан учрашувда Ўзбекистон ва Германия парламентлараро алоқаларини янги поғонага кўтариш тўғрисида келишилди. Ташқи ишлар, иқтисодиёт вазирликларида ва Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказилган учрашувларда ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида мулоқотлар бўлди. Ўзбекистон ва Германия ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш тўғрисида фикр алмашилди. Шу ерда Ўзбекистон ва Германия ҳукуматлари ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Битимга кўра, Германия мамлакатимизга 1,6 миллион евро миқдорида имтиёзли кредит ажратади. Германиялик меҳмонлар ташрифи Андижонда ўтказилган «Иқтисодиёт ривожига кўмаклашиш» лойиҳаси тақдимоти билан ниҳоясига етди.

Германия Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида Ўзбекистон билан ҳамкорликда биринчи ўринни эгаллайди. Лойиҳаларни узоқ муддатга молиялаштириш, ижтимоий муҳим лойиҳаларни техник молиялаштириш, ишлаб чиқаришга бевосита сармоялар, қўшма корхоналар барпо этиш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш шулар жумласидандир. Германия Ўзбекистонда экспортни молиялаштиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган 50 дан зиёд лойиҳаларда қатнашмоқда. Мазкур лойиҳаларни умумий нархи салкам 1 миллиард долларни ташкил этади. Бундан ташқари, мамлакатимизда Германиянинг 50 дан зиёд фирма ва компаниялари ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш федерал вазирлиги топшириғига кўра, техник ҳамкорлик ва ривожланиш жамияти билан бир қаторда ривожланиш соҳасида ҳамкорлик доирасида Ўзбекистонда бошқа ташкилотлар ҳам иш олиб боришмоқда. Германия халқаро Ривожланиш жамғармаси (ДСЕ), Senior Expert Service (SES) – Германия иқтисодиёти ижтимоий хизмати, ривожланиш хизмати (ДЕД), Конрад Аденауэр номидаги жамғарма (КАС) ва Фридрих Эберт номидаги жамғарма (ФЕС) ва бошқалар шулар жумласидандир.

**«Туркистон-пресс»**

• ТАДБИРЛАР

# Унутилмас таассурот қолдирди

**«Талабалик олтин даврим» деб бежиз айтилмаган. Чунки талабаликнинг ҳар бир лаҳзаси бебаҳодир. Бирор-бир институтга эшик қоқиб борган, қалби ҳаяжонга тўлган абитуриент «талаба» номини олиш учун бор билимини ишга солади ва ушбу номни олгандан сўнг талабаликнинг олтин дамларини бошдан ўтказади.**

Лекин вақт дегани кутиб турмайди. Ҳашпаш дегунча бир оиладек бўлиб қолган талабалар хайрлашадилар. Аммо шу қисқа муддат ичидаги олтин дамлар улар хотирасида умрбод муҳрланиб қолади. Куни кеча Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида битирувчи магистрант ва бакалавриатларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Унда битирувчилар маданиятшунослик, ашула ва рақс жамоаси раҳбари, фольклор-этнографика жамоаси раҳбари, кутубхонашунослик, библиография китобшунослик ва китоб маркетинг, информатика ва ахборот тизимидаги мутахассисликлари бўйича диплом олишга муваффақ бўлдилар.

Маросимда институт ректори А.Тўраев битирувчиларга оқ йўл тилаб табрик сўзини айтди, сўнг битирувчиларга дипломлар топширилди. Ушбу маросим ҳаяжонли ҳамда унутилмас бўлиб қолиши шубҳасиз.

**Нодира САИДОВА**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР


UJB

*Ҳурматли юртдошлар!*

*«Ўзуйжойжамғармабанк» Сизга пулингизни ва вақтингизни тежайдиган «Коммунал» омонатини таклиф этади.*

**«КОММУНАЛ» ОМОНАТИ**

**БУ СИЗНИНГ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНГИЗНИНГ БАНК ФОИЗИ ҲИСОБИГА ТЎЛАНИШИДИР.**

- «Ўзуйжойжамғармабанк» ҳар ойда Сизнинг коммунал тўловларингизни тўлаб боради ва Сизнинг коммунал тўловларингиз бўйича бухгалтерия ҳисоб-китобларингизни олиб боради.
- Коммунал омонатининг шарти: ҳисоб рақамини очиш учун ўзингиз билан паспорт, нақд пул ва коммунал ташкилотларига тўловлар ҳисоб рақамларингиз бўйича маълумот тақдим қиласиз.



- Сиз бирламчи тўловни ўзингиз белгилайсиз.
- Даромад йиллик 40% (ойлик 3.33%) миқдорида ҳисобланади.
- Белгиланган муддат тугагач омонатда сақланаётган маблағларнинг барчаси тўлалигича омонатчига қайтарилади.

**«ЎЗУЙЖОЙЖАМҒАРМАБАНК» — ИШОНЧЛИЛИК, АНИҚЛИК ВА ТЕЗКОРЛИК!**

*Сиз «Коммунал» омонатини «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг исталган омонат кассасида очишингиз мумкин.*
*Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: 132-13-18, 133-31-62*
*факс: 133-03-53; e-mail: treasury@sarkor.com www.uzujb.com*

Лицензия № 55 от 24.03.97г.

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Яхши дўст — туганмас хазина.

● Дўстлар дийдоридан ортиқ қувонч, фироқидан ортиқроқ ғам йўқ.

● Одамлар билан шундай яшагинки, дўстларинг душман бўлмасин, душманларинг эса дўстга айлансин.

● Агар одам ўз ҳаёт йўлида яхши танишлар орттирмас экан, у тезда яккаланиб қолади.

● Кимки нуқсонсиз дўст ахтарса, дўстсиз қолади.

● Дўстдан кечгандан кўра сўздан кечган яхши.

● Қобуснома дўст танлаш ҳақида шундай дейилади: Эй фарзанд, билгинки, то киши тирикдир, дўстсиз бўлмағай. Кишининг дўстсиз бўлганидан бproducerсиз бўлгани яхшидир. Бир донишманддан сўрадиларки: «Дўст яхшими, биродар?» Донишманд деди: «Дўст яхши».

Ҳамма вақт дўст тутмоқни одат қил. Чунки ҳар кишининг дўсти кўп бўлса айблари ҳам ошкор бўлмайди, фазилати кўпаяди. Лекин янги дўстни топганингда эски дўстингдан кечмагин. Улардан юз ўгирмагин, токи ҳамиша дўстинг кўп бўлсин. Масалан, шундай деганларки, яхши дўст кишига улуғ давлатдир.

Ақлсиз одамлар билан ҳаргиз дўст бўлмагин, ақлсиз дўст ақлли душмандан ёмонроқдир. Ақлсиз дўст шундай иш қиладики, ақлли душман уни қила олмайди. Олижаноб, мурувватли, илмли, вафоли кишиларни дўст тутгинки, сен ўзингнинг мурувватинг, шафқатинг, илминг билан машҳур бўлғайсан. Бемурувват, меҳр-шафқатсиз, илмсиз одамлар билан ўтирмагилки, бундай одамлар билан ўтиришдан кўра танҳолик яхшидир. Дўстларнинг ҳақини асло бекорга кеткизмагин, токи сени маломат қилмасинлар.

Эй фарзанд, одамлар билан дўстлигинг ўртача бўлсин. Дўстим кўп деб барчасига умид билан кўнгил билан боғланмағил, илгари ва кейинга қарагил. Дўстларинг эътиқодидан ғофил бўлмағин. Агар сенинг мингта дўстинг бўлса, зоҳирда ҳаммасига сендан дўстроқ киши бўлмағай. Дўстликни мўл-кўлчилик, сир айтиш, таом ва тангдаслик билан, фойда ва зиён билан синаб кўр. Агар дўстинг сенинг душманинг билан душман бўлмаса, уни дўст демагил, ошно дегил. Дўстингга дўстлик вақтида бир нарса ўргатмагил, чунки вақти келиб дўстинг сенга душман бўлиб қолса ўргатганинг ўзингга зиён қилур, пушаймон бўлурсан. Қашшоқ бўлсанг бадавлат билан дўстлашмагин, чунки қашшоқни ҳеч ким дўст тутмайди. Ўзингга лойиқ дўст ахтаргил. Агар сен бадавлат бўлсанг, қашшоқни тутсанг раводир. Аммо халқнинг дўстлигига кўнгилни рост тутгил, токи ҳамма ишларинг тўғри бўлғай. Агар дўстингнинг кўнгли ҳеч қандай сабабсиз сендан қолса, яна қайтадан унинг кўнглини овлашга ҳаракат қилғил, таъмали, кин адоватли дўстдан бўлғилки, унинг дўстлиги ҳақиқий эмасдир, балки таъма учундир. Ҳасадли кишиларга асло дўст бўлмағил, кин-адоватли, ҳасадли киши дўстликка лойиқ эмасдир. Чунки хосиднинг ҳасади асло кетмайди ва ҳамиша сендан норози ва гинали бўлади.

Байт:

**Яхши дўстинг сенга ёмон истаса,**
**Ундан юз ўгир ё бардошла сўзла.**
**У билан олишма, сўкма, тортишма,**
**Шунда ҳам ярашиш йўлини кўзла.**

Радио деталлари дўкони ҳар хил турдаги радио деталлар, электрон техникаси, аудио-видео ва ўлчаш аппаратларини харид қилади ва сотади. Телефон: 68-93-93.

Янги «Чайка», «Веритас» тикув машиналари сотилади. Т. 22-98-05

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари жамоаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси биринчи ўринбосари, шоир Сирожиддин Саййидга укаси

**Нурмамат САИДОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.



*Болалигим шўху шодон кунларим,*
*Сенла ўтар энг бахтиёр тонгларим*

## ДИЙДОР

**Ҳикоя**

Султон бобо нимагадир бугун азонлаб ҳаракатга тушиб қолди. Аввал соқол-мўйлабини ҳафсала билан яхшилаб текислади. Талашиб-тортишиб кийимларини янгисига ўзгартирди. Чаққон-чаққон қимирлаб каравотини, сўнг палатани тартибга солди. Ҳамшира келтирган дорини совуқ чой билан «қулт» этиб ютди-да, илдам юриб йўлакка чиқди. Нонушта қилишга ҳам чоғи келмай, гулдор ҳассасини дўқиллатганча, йўлакнинг у бошидан бу бошига юра бошлади.

Мўлжалидаги вақт ўтди шекилли, нимчасининг чўнтагидаги соатини қўлига олиб, бир-икки бор қараб қўйди. Ниҳоят тоқати тугадими, асабийлашган ҳолда палатасига қайтиб кирди ва «уф» дея каравотга чўзилди.

Сал вақт ўтгач, эшик очилиб, кенг елкаларига оппоқ халатни омонатгина ташлаб олган баланд бўйли, қадди-басти келишган, юз бичими Султон бобога ўхшаш йигит кириб келди. Шарпани сезган чол шошиб ўрнидан қўзғалди. Аммо ҳар куни келиб-кетадиган ўғлини кўриб тарвузи қўлтиғидан тушди ва зарда билан сўради:

— Онанг қани?!

— Хафа бўлманг, ота, — ўғил майин жилмайди. — Ойимнинг бугун зарур юмушлари бор экан, кечроқ ёки эртага келармишлар.

— Эртага келармиш... Эртага келармиш...

Бобо энди чинакамига аччиқланиб, девор томонга ўгирилиб олди. Ўғли ҳарчанд гапга солмасин жавоб бермади. Столда уюлиб турган ноз-неъматларга қўл уриш у ёқда турсин, ҳатто қайрилиб ҳам қарамади. Азбаройи хафа бўлганидан чолнинг чиройи ҳеч очилмасди. Кун пешиндан оққанда каравотига ечинмасданоқ ётганча ухлаб қолди. Кеч кириб, беморлар ўринларидан қўзғалишди. Кимдир телевизор томоша қилар, бошқалар шахмат-шашка ўйнар, яна бировлар соф ҳаво илинжида ҳовли кезарди. Бобо эса бир ёнбошга ўгирилиб олганча, қимир этмай ётаверди.

Шу пайт қўлида тугунча кўтарган буви кириб қолди. У фаришталардек оҳиста юриб келиб, хурракни узун тортиб ётган чолнинг устига энгашди. Кампир эллик йиллик умрдошининг серажин пешонасига кафтини меҳр билан босди. Бобо талмовсираб кўзини очди. Қошида майиздай бўлиб ўтирган кампирини кўргач, чуқур энтикиб, қалби бироз қалқиб кетди. Бироқ чолнинг шу он яна қовоғи уюлди. Иккаласи бирпас жим қолдилар. Ниҳоят бобо паст, лекин дағалроқ товушда деди:

— Шу ҳам инсофданми, кампир, наҳотки бугунги кунни унутган бўлсанг?!

— Бир қошиқ қонимдан кечинг! — табассум-ла бобога боқди кампир. — Роппа-роса эллик йил аввал мени кечикиброқ олиб келиб, сизга топширганларида ҳам, тўй совиб қолди, деб авзойингиз сал айниганди. Мана, кечикиброқ бўлса ҳам келдим-ку! Сизни ташлаб қўярмидим...

— Хо-хо-хо! Оббо, сен-эй, жавобини ҳам тайёрлаб келган экансан-да!

Буви чаққон ҳаракатлар қилиб, ўзи келтирган ноз-неъматлар билан чолни сийлай бошлади.

— Э, э... Биздан нодонлик ўтибди-ку! — деди чол ўрнидан чаққон тураркан. Энди Султон бобо билакларини шимариб бувининг хизматида бўлди. Чолу кампир алламаҳалгача шу зайл бир-бировига меҳр-муҳаббат кўрсатиб ўтирдилар.

**Асад АСИЛ**

## Бу — қизиқ

### ДАРАХТИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

**Ҳар бир инсоннинг биоэнергетик хусусиятларга кўра ўзига яқин бўлган дарахти бор. Айнан у сизнинг соғлиғингиз посбони ҳисобланади. Агар ўзингизни ёмон ҳис этсангиз, шу дарахт ёнига келинг, унга суянинг, ўзингизни бўш тутиб япроқлар шитирлашига қулоқ тутинг. Барча фикрларни унутиб, уларга қўшилиб кетинг.**

Шунда улар ўз қувватини сиз билан баҳам кўради. Қуйида дарахтлар ва одамларнинг туғилган кунига мувофиқ ўзаро боғлиқлиги тизими келтирилади. У қадимги Галлия донишмандлари томонидан тузилган.

Январь: 1 (Олча). 2-11 (Қорақарағай). 12-24 (Қайрағоч) 23-31 (Сарв).

Февраль: 1-3 (Сарв). 4-8 (Жўка). 9-18 (Кедр). 19-29 (Кедр).

Март: 1-10 (Самбит). 11-20 (Жўка). 21 (Эман). 22-31 (Ўрмон ёнғоғи).

Апрель: 1-10 (Четан). 11-20 (Заранг). 21-30 (Ёнғоқ)

Май: 1-3 (Терак). 15-24 (Каштан). 25-31 (Шумтол).

Июнь: 1-3 (Шумтол), 4-13 (Қайин). 14-23 (Анжир). 24 (Оқ қайин). 25-30 (Олча).

Июль: 1-4 (Олча), 5-14 (Қорақарағай). 15-25 (Қайрағоч). 26-31 (Сарв).

Август: 1-4 (Сарв). 5-13 (Терак). 14-23 (Қарағай). 24-31 (Ёнғоқ).

Сентябрь: 1-2 (Ўрмон ёнғоғи). 3-12 (Самбит). 13-22 (Жўка) 23 (Олхўри). 24-30 (Ўрмон ёнғоғи).

Октябрь: 1-3 (Ўрмон ёнғоғи). 4-13 (Устан). 14-28 (Заранг). 29-31 (Ёнғоқ).

Ноябрь: 1-11 (Ўрмон ёнғоғи). 12-22 (Каштан). 22-30 (Шумтол).

Декабрь: 1 (Шумтол). 2-11 (Қайин), 12-21 (Анжир). 22 (Қорақайин). 23-31 (Олма)

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА тайёрлади.**

## Бўш вақтингизда

## ТОПШИРИҚЛИ СКАНВОРД

Сканворд жавоблари асосида шакл атрофи ва марказидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб ҳикматли сўзларни билиб олинг.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**




### Газетанинг шу йил 11 июль сонида берилган бошқотирманинг жавоблари:

**Ёйлар бўйича:** 1. Каратэ. 2. Кашмир. 3. Карочи. 4. Каптар. 5. Карбон. 6. Карбид. 7.,Каучук. 8. Карнай. 9. Кўрфаз. 10. Кўлмак. 11. Корунд. 12. Кокаин. 13. Кратер. 14. Краков. 15. Камола. 16. Кашнич. 17. Келдиш. 18. Кетмон. 19. Колумб. 20. Компас. 21. Узум. 22. Азот. 23. Одоб. 24. Бонн. 25. Чарм. 26. Фара. 27. Узук. 28. Твен. 29. Олим. 30. Драп.

Муаммонома

**Очқич сўзлар:** 1. Уд. 2. Товуқ. 3. Магма.

**Ҳикмат: Одам — одамга қувват.**




**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди. 4204 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-547. Топширилди 12.30 1 2 3 4 5 6